

ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ.

РАССМОТРЕНА РОЛЬ ЮРИДИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ПРАВОВОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ У СТУДЕНТОВ.

THE ROLE OF LEGAL EDUCATION IN SHAPING THE LEGAL WORLDVIEW OF STUDENTS IS CONSIDERED.

Усмонов Зафар Тўлқинович

Жиззах давлат педагогика университети

мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларда ҳуқуқий дунёқарашни ривожлантириш жараёнларида ҳуқуқий таълимнинг таъсир кучи ёритилган.

Аннотация: В данной статье освещается сила влияния правового образования на процессы развития правового мировоззрения у учащихся.

Abstract: This article examines the influence of legal education on the processes of developing students' legal worldview.

Ҳуқуқий дунёқарашнинг ривожланиши — бу инсон ҳуқуқнинг кадр-қимматини англайдиган, қонунларни ҳурмат қиладиган ва кундалик ҳаётда уларга амал қиладиган қарашлар ҳамда эътиқодлар тизимини шакллантиришнинг мақсадли жараёнидир. Таълим жараёнларида ўқувчиларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириб бориш орқали шунга мос дунёқараш ҳам шакллантирилиб бориши мақсадга мувофиқдир. Фақатгина ҳуқуқий билимларни бериш билан қўзланган мақсадга эришилмайди. Мақсадга эришиш учун эса ҳар бир қонуннинг ўзига хос жиҳатларини ёрқин мисоллар билан тасдиғини топтириб бориш шарт. Келтирилган мисоллар эса, ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. У ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур англашга асосланади. Янги Ўзбекистон ёшлар ўртасида ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича унинг асоси сифатида жамиятида ҳуқуқий таълимни ривожлантириш миллий вазифа сифатида қўйган. Чунки ёшлар ўртасида ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш кўрсаткичлари фуқароларнинг ва мамлакатнинг ривожланишига бевосита таъсир қилади. Ҳуқуқий дунёқарашни ривожлантириш, айниқса жамиятда тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим рол ўйнади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг иккинчи бўлимида “Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” қайд этилган бўлиб, унинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига

биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади.¹ Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегиш эканлиги кўрсатилган. Шунга асосан таълим ва тарбияда ўсиб улғайиб келаётган ҳар бир ёш авлодни ҳуқуқий таълим билан қуроллантириш эҳтиёжи мавжуд.

Ҳуқуқий таълим-бу мақсадли доимий таъсир этиш орқали ёшларда ҳуқуқий маданиятни ва ҳуқуқий ҳаётти – ҳарактларни шакллантиради. Ҳуқуқий таълимнинг асосий мақсади инсонга ҳаётда зарур бўладиган ҳуқуқий билимни бериш ва қонун қоидаларга риоя этиш, уни ҳурмат қилишни ўргатишдир. Бизнинг фикримизча ўқувчиларда ҳуқуқий дунёқарашни ривожлантиришда ҳуқуқий таълимни қуйидагилар орқали белгилаш мақсадга мувофиқдир. Булар:

*ҳуқуқ принциплари ва нормалари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш;

* ўқувчилар ҳуқуқга оид билимларни тўплаш ва ўзлаштириб боришлари;

* ўқувчилар қонунга тўлиқ риоя қилишлари;

*ҳуқуқга оид ижобий муносабатни билдира олиши ва уни амалиётда бажариши.

* ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишни билиши,

* қонуний тақиқларни тўғри қабул қилиши ва унга риоя қилиши;

Умуман олганда ҳуқуқий таълим бу ўз ўзидан мақсадли жараён ҳисобланиб, одамларнинг онгига таъсир қилиш орқали ҳуқуқий маданият ва шунга мос дунёқарашни шакллантиришдир.

Ўзбекистон Республикасининг 21-моддасида эса, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунга мос равишда биз таълим жараёнларида ўқувчиларга айрим ёшларнинг аянчли ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳаётга онгсиз муносабати, ҳуқуқий саводнинг етишмаслиги сабабли нотўғри йўлларга кириб қолиши видерлавҳаларда кўрсатилгандан кейинги суҳбат жараёнларида улар албатта ўз ҳуқуқларини билиши кераклигини бунинг учун эса ҳуқуқий таълимни олиши зарур эканлигини айтишди. Шундан сўнг биз ҳулоса қилдикки, албатта ўқувчиларга инновацион тарзда таълим ва тарбияни бериш кун талабидир. Ўқувчилар билан ишлаш жараёнида улар англаб боришдики, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиши ва уни ҳимоя қилиши жараёнларида бошқаларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказиш бу қонунга зиддир.

Ўқувчиларда ҳуқуқий дунёқарашни ривожлантиришнинг асосий босқичлари;

¹ <https://lex.uz/acts/20596>

Ҳукукий маърифат: Қонунчилик ва халқаро ҳукукий ҳужжатлар асосларини ўрганиш. Бунда; Норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг турларига эътибор қаратилади. Норматив-ҳукукий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир.

Норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

Ҳукукий онгни шакллантириш: Қонунларни оддий билишдан уларни ички қабул қилиш ва адолатлилигини англашга ўтиш.

Қонунларни оддий билиш ва ҳукукий саводхонликни ошириш учун энг аввало Конституциядаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни, шунингдек кундалик ҳаётда (меҳнат, оила, солиқ) энг кўп қўлланиладиган қонунчилик нормаларини содда тилда тушунтирувчи махсус ресурслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қонунларни мураккаб ҳукукий ҳужжатларсиз, содда ва тушунарли тарзда ўрганишингиз учун қулай платформалар ва усуллар мавжуд:

Миллий ҳукукий интернет портали: Milliy huquqiy internet portalі орқали оила, меҳнат, йўл ҳаракати ва фуқаролик масалалари бўйича бепул онлайн курслардан фойдаланиб, ҳуқуқларингизни қисқа видео ва аудио материаллар орқали оддий тилда ўрганишингиз мумкин.

Адлия вазирлигининг расмий канали: Адлия вазирлигининг расмий Telegram канали (@huquqiyaxborot) кундалик ҳаётда керак бўладиган ҳуқуқлар, янги қабул қилинаётган қонунлар ва берилаётган имтиёزلарни содда инфографика ҳамда қисқа хабарлар орқали халққа етказди.

Расмий ҳужжатлар базаси: Қонунларнинг асл матни билан ишлаш учун Lex.uz ёки Norma.uz сайтларидан фойдаланиб, сизни қизиқтирган норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг янгиланган шаклини топишингиз мумкин²

Қонунларни ички қабул қилиш — деганда қонунларни мажбуран билиш ва уларга мажбуран амал қилиш эмас, балки уларни қалбдан хурмат қилган ҳолда онгли равишда риоя этиш жараёнидир. Бунда қонунларнинг адолатлилигини тушуниш асосий ўрин тутди.

² <https://www.google.com/search?client=opera&q=Қонунларни+оддий+билиш&sourceid=opera&ie=UTF-8&oe=UTF-8>

Амалий қўллаш: ўқувчиларга ўз қизиқишлари ва манфаатларини қонунан ҳимоя қилишни ўргатиш асосида ўзгаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ўргатиб борилади.

Қонунларга нисбатан бундай онгли муносабатни шакллантириш бир неча муҳим жиҳатларга боғлиқ:

- *Мақсадни англаш:* бу борада ўқувчиларга тартиб-интизом ва хавфсизликни таъминлашда нималарга эътибор бериши кераклиги тушунтириб борилади. Шу билан бирга ўз тенгдошларининг ҳуқуқлари паймол қилинганда уларни қонуний ҳимоя қилиш тушунтирилади.
- *Адолат мезони:* Ишлаб чиқилган барча қонунлар инсон манфатини ҳурмат қилиб, уни олий қадрият сифатида эътироф этса, жамиятда ҳар бир инсоннинг тенгликни таъминласа, улар жамият томонидан адолатли деб тан олиниши кераклиги тушунтирилади.
- *Ишонч ва масъулият:* Агар қонунлар инсон манфаатига хизмат қилса инсонлар томонидан унга риоя қилиш таъминланади ва қонунлар ҳурмат қилина бошлайди.
- Демак, ўқувчиларга қонунга оид маълумотлар асосли етказиб берилса, замонавий ёндошувлардан фойдаланилса, ҳуқуқий дунёқараш шакллантирилса уларнинг ҳаётдаги ўрни баркамоллик фазилатлари билан бойитилган бўлади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/acts/20596>
2. [https://www.google.com/search?](https://www.google.com/search?client=opera&q=Қонунларни+оддий+билиш&sourceid=opera&ie=UTF-8&oe=UTF-8)

[client=opera&q=Қонунларни+оддий+билиш&sourceid=opera&ie=UTF-8&oe=UTF-8](https://www.google.com/search?client=opera&q=Қонунларни+оддий+билиш&sourceid=opera&ie=UTF-8&oe=UTF-8)